ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

# BoysuN

Milliy tiklanishdan–milliy yuksalish sari!

2024-yil 1-yanvar
№ 1 (6416)

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

## Бойсун туман ҳокими Боҳадир ШУКУРОВнинг Янги йил табриги



***Азиз юртдошлар!***

Умримиз солномасининг яна бир саҳифасини ортда қолдириб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида алоҳида из қолдириб кетаётган 2023 йилни кузатиб, яхши ният ва буюк мақсадларни кўзлаган ҳолда янги — 2024 йилни кутиб олдик.

Таъкидлаш жоизки, якунланган 2023 йил ҳақиқатан ҳам мамлакатимизнинг кейинги 32 йиллик даврининг энг сермаҳсул, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий воқеаларга бой йилларидан бири сифатида Янги Ўзбекистон тарихида мангуга муҳрланажак. Зеро, бу йилда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, амалга оширилган ишлар 2023 йилни том маънода биз учун тарихий йил сифатида эътироф этилишига асос бўлади.

Биз ўтган йил давомида Ўзбекистон давлатчилигининг кейинги тараққиётига дахлдор бўлган иккита муҳим сиёсий жараёнларни ўтказдик. Энг аввало, апрель ойи охирида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонунни қабул қилиш учун умумхалқ Референдумини ўтказдик. Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилиниб, май ойидан бошлаб қонуний кучга киритилди. Бутун мамлакатимиз халқининг муҳокамасидан ўтиб, қайта таҳрир этилган Конституция ўзининг мазмун-моҳиятига кўра Янги Ўзбекистонимизнинг мутараққий давлатлар қаторига чиқиши, дунёнинг ривожланган, аҳолиси кучли ижтимоий ҳимояланган, адолатли қонун устуворлиги таъминланган давлатларидан бирига айланишининг кафолати бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Янги таҳрирдаги Конституцияга биноан муддатидан аввал Президентлик сайловининг бўлиб ўтганлиги ҳам якунланган йилимизнинг асосий сиёсий жараёнларидан бири сифатида эсда қолади. Халқимиз хоҳиш-иродасига кўра Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайлангани — бу Янги Ўзбекистон шароитида бошланган кенг кўламли ислоҳотларнинг бардавом бўлиши ва бу ислоҳотлар 2023 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида ишончли тарзда амалга оширилишини кафолати ҳамдир. Шундан келиб чиқиб, ишонч билан айтиш мумкинки, 2024 йилда ҳам бизнинг олдимизда аҳоли фаровонлигини янада ошириш, халқимизни рози қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш борасида муҳим ишлар, улкан дастурий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган вазифалар турибди.

***Азиз бойсунликлар!***

Мамлакатимизнинг энг беназир гўшаларидан бири бўлган Бойсунда ҳам ўтган йил давомида белгиланган дастурий лойиҳалар доирасида муҳим вазифаларни амалга оширишга эришдик. Умуман олганда, Бойсун туманини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, муҳим ижтимоий, иқтисодий инфратузилмаларни шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш масаласига шахсан давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига биноан алоҳида эътибор қаратила бошланди. Келгусида Бойсунда ишлаб чиқариш, саноатни, жумладан, тоғ-кон саноатини, туризм саноатини ривожлантиришга давлат даражасида аҳамият қаратилиб, бир қанча дастурий лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, Президентимиз 16-17 ноябрь кунларида вилоятимизга ташрифлари чоғида туманимизда бунёд этилаётган "Мустақилликнинг 25 йиллиги" газни қайта ишлаш мажмуасида бўлган чоғларида бу масалалар хусусида яна бир бор эслатиб ўтдилар. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг тавсияларига биноан туманда туризм саноатини ривожлантириш учун жуда катта лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, бугунданоқ ана шу лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида туманимиздаги туризм маҳаллалари ва ҳудудларида қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган.

Якунланган йил давомида биз тумандаги тегишли ташкилот-корхоналар, тадбиркорлар, шунингдек, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида аҳолини уй-жой билан таъминлаш, маҳалла, кўча, хонадонларни обод қилиш, шаҳримизни кўкаламзорлаштириш соҳасида ҳам қатор муҳим лойиҳаларни амалга оширдик. Масалан, вилоятимиз ҳокими Улуғбек Қосимов таклифлари ва билвосита ёрдамлари асосида шаҳримиздаги бош кўчаларимиздан бирини 3 километр қисми тубдан реконструкция қилиниб, атрофи кўкаламзорлаштирилди. Дарахтлар ва хиёбонларни суғориш учун ер ости артезиан суви чиқарилди, кўча ёритиш тармоғи яхшиланди. "Мустақиллик" маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида қурилаётган уй-жойларнинг дастлабки босқичи якунланиб, иккинчи босқич қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бибиширин маҳалласи ҳудудида эса умумий қиймати қарийиб 50 миллиард сўм бўлган туризм маркази қурилишига старт берилди ва бу муҳташам мажмуа "Бойсун баҳори" халқаро фестивали бошланиши арафасигача якунланиши белгиланган.

Муҳтарам Президентимиз таклифлари билан бошланган "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ", "Обод кўча" дастури доирасида бу йил илк маротаба тоғли Дуоба маҳалласи ҳудудида кенг кўламли ободончилик-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 20 миллиард сўмлик лойиҳа асосида маҳалла маркази ва қишлоқлар замонавий қиёфага ҳамда муҳим инфратузилмага эга бўлди.

Мен фурсатдан фойдаланиб якунига етган 2023 йил давомида туманимизда ижтимоий-иқтисодий юксалишларни амалга оширишга қаратилган улкан лойиҳаларни муваффақиятли бажарилишида бизга мадад бўлган, бизни қўллаб-қувватлаган барча ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари, моҳир қурувчи-муҳандислар, ишчилар, беғараз ҳамкорлик қилган ҳашарчиларга, туманимиз аҳлига шахсан ўзимнинг, туман ҳокимлиги ва барча сектор раҳбарларининг чуқур миннатдорчилигини билдираман. Ишончим комилки, меҳнаткаш, танти ва эл-юрт ободлиги, тинчлиги йўлида ҳамиша камарбаста бўлиб келган Бойсун эли билан туманимиз равнақи йўлида бундан кейин ҳам улкан ишлар, лойиҳаларни амалга оширишга қодирмиз.

***Муҳтарам ҳамшаҳарлар!***

Барчамиз яхши ният, яхши орзу ва мақсадлар билан янги — 2024 йилни кутиб олиш бахтига мушарраф бўлиб турибмиз. Шу муносабат билан, мана шундай шукуҳли кунларга етказгани учун Яратганга ҳамду санолар айтган ҳолда сиз азизларни кириб келган Янги йил билан чин дилдан муборакбод этаман. Барчаларингизга соғлик-саломатлик, оилангизга хотиржамлик, турмушингизга тўкинлик тилаб қоламан.

Янги йил барчамизнинг хонадонимизга яхшилик, мамлакатимизга тинчлик ва фаровонлик олиб келган бўлсин, азиз биродарлар!

## ҲОКИМ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

**Эрталабки хуш кайфият "Ёшлар форуми" иштирокчиларини кун бўйи тарк этгани йўқ. Бу туман ҳокимлиги катта мажлислар залида ўтказилган "Ҳоким ва ёшлар учрашуви"да ҳам яққол сезилди. Бойсунлик ёшларнинг айримлари ўз тилак ва таклифларини тилга олиб, ҳудудлардаги айрим муаммоли масалаларни ҳал этиш истагини билдирдилар.**

Ҳа, бугун улар учун йўл очиқ, чунки Янги йил арафасида ҳар йили ўтказилиб келинаётган "Ёшлар форуми" нафақат ёш йигит-қизларимизнинг байрами, балки бажарилган ва бажарилиши лозим бўлган ишлар таҳлили ҳамдир. Ҳоким ва ёшлар




ўртасидаги ўзаро мулоқот чоғида ўнлаб ёш йигит-қизлар ўз муаммолари билан мурожаат этдилар. Чунончи тўдалик Санжар Бозоров ижодкор ёшларнинг шеърларини алоҳида китоб шаклида чоп этиш, шўрсойлик Учқун Қаршиев стритбол майдончаси барпо этиш, Тузбозор маҳалласидан Азимахон Аъзамова ойида уч марта тозалик ва озодалик кунларини ўтказиш, Азиза Ёдикова эса 2-касб-ҳунар мактабини қўшимча компьютер жамламалари билан жиҳозлашга ёрдамлашишни сўрадилар.

Бойсун туман ҳокими Боҳадир Шукуров ўз таклифлари билан мурожаат этган ҳар бир йигит-қизларнинг мулоҳазаларини тинглаб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга сўз берди. 140 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этган ҳоким билан учрашув "Эътироф" шодиёналарига уланиб кетди.

**Азамат ҒАФФОРОВ.**

## „ЁШЛАР БОҒИ" БАЙРАМГА ЧОРЛАЙДИ

***Янги йилни арчасиз, Қорбобо ва Қорқизсиз тасаввур қилиш мумкинми? Айниқса, болажонларимиз Янги йил байрамини арча атрофида ўйнаб-кулиб ўтказишларини кузатиш қанчалик завқли.***



Ҳар йилги одатга кўра туман ҳокимининг топшириғига биноан бу йилги байрам тадбирларини ҳар қачонгидан завқли, ранг-баранг дастурлар асосида ва энг муҳими, болажонларимизга барча шарт-шароитлар яратиб берган ҳолда хавфсиз ўтказиш бўйича чора-тадбирлар кўрилган. "Ёшлар боғи"да катта Янги йил арчаси ўрнатилиб, байрам тадбирлари ўтказиладиган майдон байрамона безатилди. Бу ерда белгиланган дастурга кўра 2023 йилнинг 25 декабридан 2024 йилнинг 5 январига қадар мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, коллеж ва ҳунар мактаблари ҳамда туман маданият маркази ҳамкорлигида гала концертлар, театрлаштирилган чиқишлар ташкил этиш мўлжалланган.

Шунингдек, болажонлар қишки таътилни мароқли ўтказишлари учун "Ёшлар боғи"да турли аттракционлар мунтазам ишлаб туриши таъминланиб, маънавий-маърифий тадбирлар, китобхонлик ва бошқа болаларбоп қизиқарли учрашувлар ташкил этилади. Байрам тадбирларида болажонлар билан бирга ота-оналар учун ҳам тегишли шароитлар муҳайё этилган бўлиб, улар фарзандларининг байрам қувончига шерик бўлишлари шубҳасиз.

**Нодира ЖЎРАҚУЛОВА.**

## ТОМОРҚА — ОИЛА ХАЗИНАСИ

### УНДА ҚИШДА ҲАМ БЕМАЛОЛ ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРИШ МУМКИН

***Янги йил арафаси — қишнинг чилласида бозорларимизда худди авж ёздагидек эндигина палакдан узилган қулупнай чиққанлиги кўпчиликни ҳайратга солгани табиий. Қишда қулупнай чиқишини, одатда мўъжизага йўйишса-да, кўпчилик бу тансиқ мева водий ёки самарқандлик миришкорларнинг уддабуронлиги ортидан бизгача ҳам етиб келибди-да, деган фикрга келган бўлса ажабмас.***

Ҳа, ҳар доимгидек боғдорчилик ва деҳқончиликда кузатиладиган ҳар қандай инновацион янгиликни биз томонларда, хусусан Бойсунда водий халқининг "кашфиёти" дея талқин этилишига ўрганиб қолганмиз. Чунки аслида ҳам бу эътироф ҳаётий ҳақиқат. Водий миришкорлари-ю, Самарқанд, сирдарёлик деҳқону боғбонларнинг йил-ўн икки ой ердан даромад олишлари, ер билан "тиллаша" олишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Аммо бугун энди замон ҳам бошқача. Мамлакатимизда аҳолини қишин-ёзин озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш, хусусан, аҳоли ҳисобидаги минглаб гектар ер майдонларини том маънода оила хазинасига айлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар боис бугунги кунда ҳатто аҳоли томорқаси ҳам лалми ердан иборат бўлган туманимизда томорқалардан самарали фойдаланиш ҳадисини олаётганлар сафи кўпайиб бораётир. Ердан оқилона фойдаланиш маданияти шаклланиб, ер даромад манбаи, ҳар қаричи бебаҳо хазина эканлигини англаб етяпмиз. Бойсунда биринчи бўлиб қиш





чилласида қулупнай етиштиришни йўлга қўйган Сувоновлар хонадонида бу борада амалга оширилаётган ибратли ишлар фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда)

## КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ БИРДАМЛИГИМИЗ АСОСИ

*...Илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият биз учун устувор масаладир.*
*Шавкат Мирзиёев*

Давлатимиз раҳбарининг якунланган 2023 йилнинг охирида ўтказган йиғилишларидан бирида яна бир бор энг муҳим мавзу — маънавият ва маърифат мавзуи атрофлича муҳокама этилди. Президент раислигида ўтказилган республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг йиғилишида ўтган йиллар давомида амалга оширилган маънавий ҳаётимизга дахлдор ишлар ҳамда олдимизда турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидлаш лозимки, Президент кун тартибига оид мавзу доирасида айтилган фикрлар ва кенг кўламли таклифларни бугун дунёда рўй бераётган ўта жиддий зиддиятли вазиятлар фонида туриб билдиришга, изоҳлашга ҳаракат қилди: "Илгари ўз мақсад ва манфаатларини асосан дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти..."

Давлатимиз раҳбари бу фикрларини давом эттирар эканлар: "Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими?" деган ҳақли саволни ҳам ўртага ташладилар.

Теранроқ мушоҳада қиладиган бўлсак, бу жиддий ва мамлакатимиз истиқболи билан боғлиқ бўлган саволларга жавобни айнан бизнинг, айниқса, бугунги ёш авлоднинг маънавияти, умуман маънавий-маърифий тарбия, маънавий-маърифий муҳитнинг нечоғли эканлигидан излашга тўғри келишдек нозик масалага бориб тақалишини англаш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда)

**Азиз муштарийлар!** 2024 ЙИЛ УЧУН "БОЙСУН" ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади. (Агробанкдаги ҳисоб рақами: 2 0 2 1 0 0 0 0400429681001, ИНН:202173689)

**Йиллик обуна баҳоси — 200000 сўм.**

SESSIYA

## VAZIFALAR BELGILANDI

Xalq deputatlari tuman Kengashining navbatdagi sessiyasida 2023-yilda amalga oshirilgan ishlar tahlil etilib, bir qator vazifalar belgilab olindi. Ayniqsa, sektor rahbarlari — tuman hokimi Bohadir Shukurov, tuman ichki ishlar bo`limi boshlig`i Furqat Murtazoyev hamda tuman Davlat Soliq inspektsiyasi boshlig`i Tohirjon Sarmanov larning bu boradagi axboroti, bildirilgan fikr-mulohaza va tanqidiy fikrlari e'tiborga olindi.

Shuningdek, hududlarda xotin-qizlar bilan ishlash, muammolarini hal etish, ularning bandligini ta'minlash borasidagi amalga oshirilayotgan ishlar yuzasidan tuman hokimi o`rinbosari, oila va xotin-qizlar bo`limi boshlig`i Saodat Jo`raqulova ma'ruza qilib, e'tibordan chetda qolayotgan masalalarni birma-bir ta'kidlab o`tdi. Muzokaralarda so`zga chiqqan Xalq qabulxonasi mudiri Sh.Qodirov, tuman adliya bo`limi boshlig`i N.Mamadiyev, tuman moliya bo`limi boshlig`i Sh.To`rayev va deputat F.Tursunqulovlar ham muhokamadagi masalalar yuzasidan fikr-mulohazalarini o`rtaga tashladilar.

Sessiya yuqoridagi va boshqa masalalar yuzasidan qaror qabul qildi.

**S.BAHOVUDDINOV,**
**tuman Kengashi deputati.**

## КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ БИРДАМЛИГИМИЗ АСОСИ

(Боши 1-бетда)

Муҳтарам Президентимиз мажлис аввалиданоқ халқимиз эътиборига мана шундай жиддий, мушоҳадага ундовчи саволлар билан мурожаат қилар эканлар, унинг моҳияти ҳақида ҳам огоҳликка чақириб, нега кун тартибида мана шундай ўткир саволлар пайдо бўлаётганлигини очиқ ўртага ташладилар: “Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “ўзбекистонлик”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади.”

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари йиғилишда бир неча бор таъкидлаб ўтганларидек, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни кенгайтириш бўйича ўтган йиллар давомида катта ишлар амалга оширилди. Фан-таълим, маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида неча ўн йилликлар ичида қилинмаган ишлар қилиниб, кенг кўламли маданий-маърифий ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Мақом, Бахшичилик, Аския санъати марказлари ташкил этилди. Янгидан ўнлаб музейлар, театр, 28 та болалар мусиқа ва санъат мактаби ташкил этилиб, бир неча йўналишдаги халқаро фестиваллар ўтказиш йўлга қўйилди. Дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти, ижоди кенг тадқиқ этилиб, ўзимизда ва хорижий давлатларда уларнинг ижодий мероси тарғиботига бағишланган илмий, маданий-маърифий анжуманлар ташкил этилди.

Бироқ истаймизми, йўқми дунёдаги бугунги танг вазиятли шароитда Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган, тинчлигимиз, осойишталигимиз барқарорлигига четдан туриб таъсир кўрсатишга ҳаракат қилувчи кучлар ҳали ҳам мавжуд. Айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан ҳатто мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилаётгани, жумладан, диний эътиқод ниқоби остида бугунги ёшларни маърифатга эмас, жаҳолатга ундаш ҳоллари пайдо бўлаётгани бизни ҳар қачонгидан-да ҳушёр торттириши керак. Президентимиз бу ҳақда тўхталар эканлар, бундай ҳаракатларга биз, энг аввало, маънавий-маърифий муҳитни, биринчи навбатда ёшлар орасида маънавий-маърифий тарбияни тубдан яхшилаш орқали қарши туришимиз лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас. Зеро, жадид алломаларимиз таъкидлаганларидек, илм-маърифат, маънавият барча замонларда бўлганидек бугунги кунда ҳам биз учун ҳаёт-мамот масаласидир.

Муҳтарам Президентимиз мамлакатимизда маънавий-маърифий тарбияни янги босқичга олиб чиқиш масаласида ўз фикр ва таклифларини илгари суриш асносида “Агар ҳозир “қани, охирги бир ойда қайси театрга бордингиз, қандай янги китоб ўқидингиз?” деб сўрасам, ўйлайманки, аксарият раҳбарлар хижолат бўлиб қолиши мумкин”, деган аччиқ, шу билан бирга адолатли бир саволни ўртага ташлаган ҳолда бундан кейин идора ва муассасаларда ойнинг бир кунини “Театр куни” деб эълон қилишни таклиф қилдилар.

Қаранг, ҳатто шу масалада ҳам биз айнан Президент томонидан таъкидни, таклифни кутиб келдик. Бугунгача китобхонлик борасида амалга оширилаётган ишларимиз ҳам давлат раҳбари ташаббуси билан бошланган эди. Ваҳоланки, бу каби ташаббуслар ўзимиздан чиқиши керак эди. Ахир мамлакатимизда қанча дунё эътирофидаги театрлар бор. Ҳатто вилоятимиз театрнинг ҳам маънавият, санъат оламида ўз ўрни, нуфузи бор. Нега биз мана шундай имкониятлардан бугунгача етарли фойдаланмаяпмиз? Нега биз мусаввир мўйқаламидан пайдо бўлган мўъжиза — рангтасвир асарларни ўқий олмаймиз, нега бизда бугунгача саҳна асарларини томоша қилиш маданияти шаклланмади? Президент таъкидлаганларидек, хориж сериаллари томошасига кетаётган қимматли вақтимизни ўзимизни театр, кино асарларига, китобхонликка бағишласак бўлмайдими? Ваҳоланки, ўз миллий театр, кино асарларимиз орасида ғоявий-бадиий жиҳатдан мақтанишга арзигуликлари қанчадан-қанча.

Давлатимиз раҳбарининг маънавий-маърифий ишларни тубдан яхшилашга оид фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва келгусида амалга ошириши мумкин бўлган вазифалар кўламидан шуни англаш мумкинки, биз катталар ҳам, бугунги ёш авлод ҳам маънавий-маърифий тарбия борасида ўз қарашларимиз, тасаввурларимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Бунда аждодларимиздан қолган бебаҳо қадриятларимиз, халқаро доирада эътироф этилган жаҳон илм-фани, маданиятининг анъаналарини ҳаётимизда тадбиқ этган ҳолда давлатчилигимиз, маънавиятимиз, халқимиз тинчлиги ва фаровонлигига раҳна солишга интилган ҳар қандай қора кучлар, бегона ғояларга қарши туриш учун ўзимизда кучли иммунитетни пайдо қилишимиз керак бўлади. Зеро, маънавияти бутун ва миллий қадриятларига содиқ халқ ва миллат ҳеч қачон забун бўлмайди.

**Даврон ОРИФ.**

## ТОМОРҚА — ОИЛА ХАЗИНАСИ

### УНДА ҚИШДА ҲАМ БЕМАЛОЛ ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРИШ МУМКИН

(Боши 1 -бетда)

Аслида Газа маҳалласида туманимизда биринчилардан бўлиб 20-30 йил муқаддам иссиқхоначилик тажрибаси бошлаб берилганди. Қаҳрамонимиз — Жасур Сувонов эса маҳалладошларининг анъаналарини давом эттириб, ота ҳовлисида (марҳум Жаббор ака Сувонов хонадонида) замонавий иссиқхона барпо этиб, помидор, бодринг маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйди. Унинг ташаббусини қўллаб-қувватлаган волидаи муҳтарамаси Ҳикмат опа Мирзаева ҳамда турмуш ўртоғи Шоира яқин кўмакчи бўлишди. Табиий суғориш имкониятлари йўқлиги эътиборга олиниб, замонавий томчилатиб суғориш технологияси ўрнатилди. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, иссиқхона шароитида маҳсулот етиштириш, парваришлаш агротехникаси сирларини ўрганди.

Қизиққан, ҳар бир қарич томорқа ер майдонидан максимал даражада даромад олишга интилган инсон учун иссиқхона имкониятларининг чеки йўқ. Бу бизнинг эмас, балки йиллаб шу соҳанинг пири бўлган, оила шароитида томорқа хўжалигини, хусусан, томорқа иссиқхонасини ҳақиқий бизнесга айлантирган миришкорларнинг эътирофи. Жасур Сувонов иссиқхона шароитида аввал одатий йўналишда маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиб, тажриба орттиргач, аста-секин бошқа ноодатий, масалан, Бойсун шароитида деярли имкони йўқ бўлган қулупнай етиштиришни йўлга қўйганлиги замирида ҳам мана шу ҳақиқат ётади. У ҳеч иккиланмай Самарқанд ёки водийлик тажрибали иссиқхоначи тадбиркорларнинг йўлидан бориб, Бойсунда биринчи бўлиб қишда қулупнай етиштиришни йўлга қўйди.

—Меҳнатда гап кўп экан, — дейди оила бош бекаси Ҳикмат опа. — Ўғлим шу ишларни бошлаганда, очиғи хавотирим бор эди. Аммо мақсад, ният кўнгилдан бўлса, қийинчиликлар тўсиқ бўлмас экан. даставвал бодринг етиштириш йўлга қўйилган эди. Бугун қишнинг чилласида уйимизда қулупнай пишиб турганига нима дейсиз? Инсоннинг қўли гул деганлари шу бўлса керак-да. Хурсандман ўғлимнинг шу ишларидан. Баҳонада ўзи ҳам келин ҳам иш билан банд. Баъзан ўзим ҳам ёрдамлашаман. Муҳими, томорқа оиланинг даромад манбаига айланди. Тупроқ — зар, деҳқон — заргар, деб бежизга айтишмаганда боболаримиз, айланай.

Хизмат доирасида деярли ҳар кун маҳалла хонадонларида бўлиб, аҳолининг томорқадан фойдаланиш коэффициентини мониторинг қилиб турамиз. Баъзан қўшни маҳаллаларда ҳам бўлиб, тажриба ўрганишга тўғри келади. Шу каби учрашувлар давомида аксарият хонадонларда томорқалар ташландиқ аҳволда ташлаб қўйилганлигини кўриб дилинг оғрийди, кишини. Арзимаган баҳоналарни рўкач қиладиганлар ҳам бор. Ваҳоланки, кўз қўрқоқ, қўл ботир мазмунидаги иборани унутганлар улар. Бугун дунёда иқлим ўзгаришлари оқибатида сув тақчиллиги ва бошқа оғир оқибатлар туфайли ердан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг бош кафолати бўлиб турган бир пайтда томорқалардан ҳам максимал фойдаланиш ва оила даромад манбаига айлантириш асосий масала бўлиб турибди. Бунинг учун эса бизда Жасур Сувоновга ўхшаш уддабурон, ҳар қандай таваккалчиликдан чўчимай иш тутувчи шижоатли тадбиркорларнинг сафини кўпайтириш лозим. Акс ҳолда биз оёғимиз остидаги хазинадан бебаҳра қоламиз.

**Ҳумойиддин АЛЛАНОВ,**
**Газа МФЙ ҳоким ёрдамчиси.**

## ZUKKOLARDAN YANGI YILGA TUHFA

***Buni butun maktabimiz jamoasi, ayniqsa, ustozlar uchun yangi yil tuhfasi desak arziydi. Eng quvonchlisi, bilim dargohning chet tili va tarix fani o`qituvchilari Yulduz Fayzullayeva, Shuhrat Zaripovlarning shogirdlari tuman hamda viloyat miqyosida o`tkazilgan fanlar olimpiadasida faxrli o`rin sohibiga aylandilar.***

Kuni-kecha esa yana bir tarix fani o`qituvchisi Osim Hatamov hamkasblari bilan tashkil etgan “Zakovat” jamoasi bellashuvlarida o`z bilim-mahoratlarini yana bir bora sinovdan o`tkazdilar. Yoshlarimiz qiziqarli bahsda O`zbekiston, Surxon va Boysun tarixiga nazar tashlab yana bir bora moziy zarvaraqlariga ko`z yugurtirdilar. Endilikda bilimli hamda topqirlik mahoratiga ega yoshlarimiz alohida jamoa sifatida tuman bo`yicha o`tkaziladigan zukkolar bellashuvida ishtirok etadilar.

Shu o`rinda yoshlarimizga bu yo`lda muvaffaqiyatlar tilab, ustoz-murabbiylarni va bilim-tarbiya olishga intilayotgan o`quvchilarimizni Yangi yil bayrami bilan muborakbod etmoqchiman.

**Kamola XURSANDOVA,**
**47-umumiy o`rta ta'lim maktabining tarix fani o`qituvchisi.**

## БИР КАМ ДУНЁ...

Эллик йиллик турмушимиздан сўнг мен бир куни аёлимга тикилиб қарадим ва дедим: “50 йил олдин уйимиз кичкинагина эди, эскигина машинамиз бор эди, униққан диванда эски оқ-қора телевизор кўриб ўтирардик, лекин мен ҳар куни 19 ёшли гўзал қиз билан бирга эдим. Энди эса ҳашаматли катта уй эгасиман, кўплаб қиммат машиналарим бор, кенг ётоқхонамга катта экранли телевизор қўйилган, лекин ҳар куни 69 ёшли аёл билан биргаман. Шу сабаб турмушимдан қониқмаслик ҳисси пайдо бўляпти”.

Аёлим жуда ҳам ақлли аёл. У бу сўзларимдан ранжимади, мен билан талашиб-тортишмади ҳам. Менга бемалол 19 ёшли қиз топиб уйланишим мумкинлигини, ўзи эса менга худди аввалгидек кичкина кулба, униққан диван, оқ-қора тасвирли телевизор топиш учун қўлдан келганча ҳаракат қилишини айтди...

**Роберт Де Ниро.**

**PS.Аёл ҳамиша ҳозиржавоблиги ва турмуш ўртоғи учун ҳар қачон ҳар нарсага тайёр эканлиги билан ҳам бебаҳо илоҳий хилқатдир...**

## МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ КЎПЛИГИДАН БОЗОРЛАРИМИЗ ГАВЖУМ

**Шаҳримиз марказидаги ёнма-ён жойлашган уч бозор Янги йил кунлари бўйига, ҳам энига кенгайгандек.** Дастурхонларимиз зийнати ширindан шакар турфа озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга Янги йил дастурхонларни безатиш учун бошқа маҳсулотлар ҳам бор. Бу ҳолатни шаҳримиздаги бошқа савдо дўконларида ҳам учратиш мумкин. Айниқса, катта-кичик арчалар, ўйинчоқларга харидорлар кўп. Улар тижоратчиларимиздан хурсанд.




Яқин дўстлар билан ҳамиша гавжум “Нарзи қушбеги” эко бозорини айланамиз. Узунасига қарийиб тўртта растанинг бошланиши фақат Янги йил маҳсулотлари учун ажратилган. Бу ердан нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари, балки, қандолатчилик, турли пишириқларни ҳам харид қилсангиз бўлади. Қиш учун сақланган олма, узум, цитрус мевалари кечагина дарахтдан узилгандек. Нонларни айтмайсизми, тур-тури билан. Бу эса бозор жамоасининг саъй-ҳаракатидан дарак беради. Қисқаси, тўкин-сочинлик дастурхонларимизга зийнатдир.



**Юнус ХОЛИЁРОВ,**
**туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.**

## БУГУНГИ ҲАЁТ ЎТМИШГА САЁҲАТ БЎЛМАСИН

### ЁХУД КЕЛАЖАК ИЛДИЗИГА БОЛТА УРИШ

**Ҳозирги ривожланиб бораётган дунёда олимлар вақтлараро саёҳат қилиш устида (вақт машинасини кашф қилиш устида) бош қотираётган бир вақтда, назаримда биз бу нарсани аллақачон ҳаётга тадбиқ эта бошладик, чоғи. Албатта, шу жумла иддао тариқасида айтиляпти. Аммо чуқурроқ эътибор қиладиган бўлсак, унинг таг заминида шунга яқин маъно бор...**

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар орқали таъкидлаётган асосли фикрлари билан жамоатчилик назарига тушаётган Абдуллоҳ домланинг бир фикрлари бор: “Баъзи бир кишиларнинг ақлли фикрларини ўқир экансан, ўзингда ҳам теранроқ фикрлар уйғона бошлайди. Демак, китоб ўқишликда бир “хатар” бор, ақлли бўп қолишлик хавфи бор. Шунинг учун китоб ўқима биродар. Эҳтиёт қил ўзингни, калланг ишлаб кетмасин. Сен реклама кўр, сен ҳар хил маънавий бузуқлик акс этган клипларни кўр, “тик-ток” кўр, чунки бу нарсалар сенинг ақлингни қулфлайди, сени зомби ҳолатига солади, тўғри фикрлашдан тўсади. Ўша учун китоб ўқима, қўққисдан ақлинг ишлаб кетса...”

Аксарият, бугунги ёшлар, хусусан китоб мутолаасидан юз ўгириб, ижтимоий тармоқлар “қули”га айланиб бораётганлар учун айтилган бу иддаолар моҳиятини англаётган бўлсангиз керак.

Ўзбекистон бугунгача энг кўп китоб ўқийдиган давлатлар рейингида афсуски, ҳамон жуда қуйи ўринларда. Масалан, китоб мутолааси бобида Хитой биринчи ўринда, Россия давлати эса иккинчи. Поп ўнталиклар орасида Испания, Италия, Буюк Британия, Мексика, Канадани кўриш мумкин. Ваҳоланки, агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аслида биз қадимдан энг кўп китоб ўқийдиган миллат, халқ бўлганмиз. Бизнинг аждодларимиз илм, фан, адабиёт, санъат борасида минг йиллар муқаддам дунёни забт этган замонларда мен юқорида санаган давлатларнинг айримлари рўйи заминда пайдо бўлишга ҳам улгуришмаганди ҳали.

Газета-журнал, китоб ўқиш, умуман мутолаа завқидан узоқлашиб, манқуртлашиб бораётганлигимизни “ривожланган интернет туфайли энди китоб мутолаасига ҳожат йўқ”, деган баҳона билан хаспўшлаб қўйяпмиз. Аммо билмаймизки, биз ишонаётган интернет, бизга (айниқса, ёшларга) ҳақиқатдан кўра кўпроқ ёлғонни сўйлайди. Асоссиз, пала-партиш маълумотларни беради. Чунки интернет маълумотларини хоҳлаган инсон ўз савияси, ўз ўлчами билан хоҳлаган талқинга ўзгартириб юбориши мумкин. Лекин китоб, газета-журналларда чоп этилган маълумотларни ўзгартиришнинг асло иложи йўқ, у мангуликка дахлдор. Шунинг учун ҳам интернетдан кўра китобдан ўрганиш муҳимроқ ва афзалроқ. Бунга мисол қилиб, биздан 20-30 йил аввалроқ интернет оламига кирган кўплаб ривожланган давлатларда бугунга келиб интернет мутолаасидан кечиб, одатий китоб, газета-журнал мутолаасига оммавий қайтиш ҳолатларини кўрсатиш мумкин. Хитой, АҚШ, Россия, Бразилия каби мутараққий давлатларда аллақачон китоб, газета-журнал мутолааси қайта оммалашиб улгурган пайтда биз “интернет мутолааси”га ёпишиб олганимиз кечириб бўлмас тарихий хато, келажагимизга болта уриш билан баробар. Охир-оқибат, китоб ўқимаслик келажак авлодни тафаккурдан мосуво қилади. Айниқса, ривожланган, хусусан, бугунги кунда китобхон давлатларга айланган мамлакатлардан Ўзбекистонга келган меҳмонлар биздаги китобхонлик даражамизни кўриб ўзларининг ўтмишларига тушиб қолгандек, яъни вақт орқага қайтиб қолгандек ҳис қилишлари мумкин.

Шу ўринда Абдуллоҳ домланинг яна бир фикрлари ёдимга тушди: “Шу, бир касаллик бор-да, бизда. Катта ҳам, кичик ҳам чалинган бу касалликка. Бу — ялқовлик касали. Шу куним, ҳафтам ўтса бўлди, деган фикр билан яшаймиз. Масалан, ўқитувчи эплаб 45 дақиқалик вақтни ўтказсам бўлди, деган хаёлда машғулот ўтишга ўрганиб боряпмиз. Муаллиммисан, зўр муаллим бўл, устамисан, энг зўри бўл, иккинчи сорт нарсага айланиб қолишга кўникма. Бунинг бари китоб ўқимаслик, тафаккуримиз, илмимизни оширишга ҳаракат қилмай қўйганмиз, касбимизга оид янги илмлар изламай қўйганимиз сабабидан”.

Ҳали ўзим талаба бўлсам-да компьютер ўйинларига муккасидан кетган кўплаб тенгдошларимга “Эй биродар, шу ўйинларни қанча вақтдан буён ўйнайсан?” деган саволимга ҳар доим “Эслай олмайман, ҳар ҳолда узоқ вақтдан буён”, деган жавоб олганман. “Шу ўйин дастурларини ўзинг яратиб кўриш ҳақида ўйлаб кўрдингми?” мазмундаги саволга эса ҳамиша “Йўқ” деган жавоб бўлган...

Мана, ҳозир мамлакатимизда коррупцияга қарши кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Агар яхшироқ таҳлил қиладиган бўлсак, коррупциянинг асл илдизи саводсизлик, илмсизлик, ўзи истаган касбни танлашда адашиш, китоб ўқимаслик каби иллатларга бориб тақалади. Масалан, ўзи истамаган касбни танлаган инсон, охир-оқибат ўз касбини яхши ўргана олмайди, яъни улар илмсиз дипломли мутахассисларга айланишади. Кейинчалик турли қинғир йўллар билан юқори мансабларга интиладилар, бироқ билим, тажриба ва қизиқиш бўлмагани боис ўзлари сезмаган ҳолда коррупция йўлига тушиб қолишади.

Шу ўринда ҳурматли ота-оналар учун ҳам бир таклиф бермоқчиман: фарзандингизни уларнинг ақлини “қулфлайдиган” ижтимоий тармоқ — интернетнинг хавли тўридан узоқлаштиринг. Бунинг ўрнига уларни кўпроқ китоб мутолаасига ўргатинг. Фарзандингиз келажаги, тақдирини китобдан излашга ўргатинг, ўзингизни. Бу борада, аввало, ўзингиз эринманг, фарзандингизга ибрат бўлинг. Тарих ўқитувчимиз айтардилар: “Бирор бадиий китоб ўқимоқчи бўлсангиз 20-30 варағигача ўзингизни мажбурлаб ўқинг. Негаки, асосий воқеалар кейин бошланади”.

Ҳа азизлар, китоб ўқишдан эринмайлик. Зеро, биз ортга эмас фақат олдинга интилиб яшаш шарт қилиб қўйилган, улкан мақсадларни кўзлаб сиёсат олиб борилаётган Ўзбекистонда яшаяпмиз. Бу мақсадларга эса бугунги ёшлар фақат китоб орқали осонроқ етиб борадилар. Зеро, улуғ рус ёзувчиси Горький таъкидлаганидек, биз ҳам қачондир “Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман” деб айта оладиган инсонлар бўлайлик.

**Асрор НЕЪМАТОВ,**
**ТДТУ нефть ва газ факультети талабаси.**

# МУРОЖААТЛАР САМАРАСИ

**Янги йил арафасида туманимиздаги сектор раҳбарлари жойларда бўлиб, яна бир бор аҳоли билан ўзаро мулоқотга киришдилар.**

Мурожаат этганлар кундалик маиший муаммолардан ташқари, жамият учун фойдали бўлган масалаларни таъкидларкан, уларни вақтида бартараф этишга диққатни қаратдилар. Жумладан, биринчи сектор раҳбари Боҳадир Шукуровнинг Газа, Пулҳоким, Даштиғоз, Инкобод маҳаллаларида ўтказган сайёр йиғилишларда аҳоли Даштиғозда кўприк, Пулҳокимда иккита трансформатор ўрнатиш, Инкобод ва Омонхонада кўприк қуриш, ҳамда уч километрлик йўлни шағаллаш, Газада ичимлик сув муаммосини бартараф этиш, Хўжаидоддаги йўлни текислаш таклифларини ўртага ташлади.

Иккинчи сектор мисолида гапирадиган бўлсак, мавжуд ўнта маҳалла фуқаролар йиғинларида қарийб 35 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўтган 12 ойда сектор раҳбари томонидан жами 48 та сайёр қабуллар ўтказилди. 247 та мурожаатнинг 70 фоизи қаноатлантирилган бўлса, 75 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Агарда буни мисоллар тариқасида гапирадиган бўлсак, боғибололик Дилшод Маллаевнинг 4-мактаб хоналарини таъмирлаш, Кўчкак маҳалласи фуқароси Жавоҳир Рустамовнинг янги қурилган ўйингоҳ ёритгич чироқларини ўрнатиб бериш, шунингдек, маҳаллаларни ичимлик сув билан таъминлаш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш, қишлоқ марказида оилавий поликлиника, мактабгача таълим муассасалари бунёд этиш тўғрисидаги мурожаатлари инобатга олиниб, бу ишларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Сектор бўйича “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаига эга бўлишлари учун ҳам муайян тизимли ишлар амалга оширилди. Бир вақтнинг ўзида кам таъминланган оилаларни дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи билан таъминлашга ҳам етарли эътибор қаратилди. Энг асосийси, жорий йилда сектор ҳудудидаги тўртта кўприк таъмирланиб, яна тўртта кўприк янгидан қуриб битказилганлиги аҳоли мурожаатларига дахлдордир.

**Д.ҚАҲҲОРОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**
**М.ҲАЙИТОВ,**
**туман прокурори, 2-сектор раҳбари.**

# BOTULIZM XAVFLI KASALLIK

Botulizm xastaligi hali ham ayrim e'tiborsizliklar tufayli ahyon-ahyon uchrab turadi. Uy bekalarimizning yoz-kuz ne'matlaridan tayyorlagan konserva va sok mahsulotlarini ko`pincha qishda va bahor oylarida iste'mol qilamiz.Mabodo shisha idishlarda saqlanayotgan mahsulotlarni iste'mol qilishga chog`lansangiz, birinchi navbatda qopqoqlariga, mahsulotlarning rangiga e'tibor qarating. Agarda qopqoqlar ko`tarilgan, idishdagi suv tiniq bo`lmasa bunday mahsulotlardan voz kechishingizga to`g`ri keladi. Bilar-bilmas iste'mol qilsangiz albatta botulizm xastaligiga uchrashingiz aniq. O`zingizda yoki oila a'zolaringizda ushbu xastalik alomatlarini sezsangiz, darhol tibbiyot xodimlariga murojaat qiling.

**Namozbek TURSUNBOYEV,**
**tuman sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo`limi boshlig`i.**

# AN`ANAVIY “YOSHLAR FORUMI” ETADI DAVOM

## YUGURISH MARAFONI

Bir kunlik yoshlarga atalgan qutlug` kun ertalabki yugurish bahslari bilan boshlandi. Qaysidir ma'noda erta tongdan badantarbiya qilish, uzoq va qisqa masofalarga yugurish, marafon bellashuvlari insonni yanada tetiklashtirib, unga kun bo`yi xush kayfiyat bag`ishlaydi. Yangi yil arafasida ham tumandagi sektor rahbarlari, Yoshlar ishlari agentligi tuman bo`limining bevosita tashabbusi bilan “Yoshlar forumi” doirasidagi tadbirlar shahrimiz markazidagi salomatlik yo`lakchalari va katta yo`l bo`ylab yugurish marafonidan boshlandi.

Darhaqiqat, mahallalarning yetakchilari hamkorligida bu bahslarda ishtirok etgan 450 nafardan ortiq turli yoshdagi yigitlar kim o`zarga musobaqalashdilar. G`oyat qiziqarli kechgan bellashuvda kim g`olib chiqdi, deb o`ylarsiz? Albatta, yoshlik g`alaba qozonadi, shunday ham bo`ldi. Chilonzor, Sho`rsoy, Pulhokim mahallasining chapdast yoshlaridan Jasur Alimqulov, Sarvar Muhammadiyev,Fazliddin Ismoilovlar birin-ketin marraga yetib keldilar. g`oliblar sektor rahbarlari hamda yoshlar ishlari agentligi tuman bo`limi tomonidan diplom hamda qimmatbaho sovg`alar bilan taqdirlandi.

**Akbar NEЪMATULLAYEV,**
**Yoshlar ishlari agentligi tuman bo`limi bosh mutaxassisi.**

# МЕН УЧУН ТАЛАБАЛИК БАХТ

**Телебошловчи ва журналист Амирхон Умаров ҳали ҳамон Алфраганус университети замонавий билим ва шарқона тарбия уйғунлиги ўчоғи дея ёшларни ўқишга даъват этаркан, мен аллақачондан бери шу дорилфунун талабаси сифатида даволаш сирларидан сабоқ олаяпман**.

Энг қувончлиси, бошқалар қатори менинг яқин қариндошим Мадинабону ҳам шу олийгоҳга кириб, иқтисодиёт-банк соҳаси бўйича таҳсил олаяпти.

Бойсундаги 39-умумий ўрта таълим мактабида ўқиб юрган кезларимдаёқ врач бўлиш, одамларни даволаш, уларга саломатлик бахш этишни ният қилгандим. Орзуларим рўёбга чиқиб, ҳозир ана шу соҳада таълим олаяпман. Ўйлаб қарасам, қариндошларим орасида врачлик мутахассислиги билан ишлаётганлар йўқ экан. Аммо врачлар кўмагига муҳтожлар бор. Шунинг учунми тиббиётни танладим.

Гарчи ўқиш, билим олишимиз қатъий режим ва талаб асосида олиб борилаётган бўлса-да, биз ўзимизда бор иштиёқ билан сабоқ олишга интиляпмиз. Айниқса, Бойсундан туриб менга мадад бераётган ота-онам, ака-укаларимнинг маслаҳатлари билан ўқияпман. Насиб этса олти йиллик изланишларим бесамар кетмайди, врач бўлиб элга хизмат қиламан.

**Жасур ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент Алфраганус университети талабаси.**

# УЛАР “ЭЪТИРОФ – 2023” ҒОЛИБЛАРИ

**Ва ниҳоят, 2023 йил “Эътироф” ғолиблари аниқланди. Ҳар бир маҳалла ва муассасаларда фаол иштирок этиб келаётган энг уддабурон, билимдон ёшлар танланиб, уларга йўналишлар бўйича мукофотлар топширилди.**




—Бугун биз учун байрам — Янги йилимиз шодиёналарининг бошланиши, — дейди маҳалла ёшлар етакчиларидан бири. — Албатта, бу йиллик меҳнатимизнинг якуни. Бу қадар эътирофга сазовор бўлишимизни кутмагандик. Ёшларга эътибор уларни фаол меҳнатга руҳлантиради, ҳаётий муаммоларни бартараф этишга ундайди.

Тадбирда иштирок этган 150 нафардан ортиқ йигит-қизлар Янги йил бўсағасида туриб қутловларга сазовор бўлдилар. Улар орасида ўқиш ва билим олишда тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшларининг ижодий жисмоний меҳнатларига саркор ва айни чоғда эл-юрт учун хизматда бўлган ёшларга қанот бўлаётганлар бор. Хусусан, Фазлиддин Абдуллаев, Бахтиёр Ҳамдамов, Содиқ Алимов, Ҳумойиддин Норбоев, Ирода Аҳмедова, Учқун Қаршиев, Аббос Хурсандов, Эъзоза Ҳасанова, Муштарий Умарова, Севара Абдуллаева сингари ёшлар “Йил етакчиси”, “Энг фаол ёшлар етакчиси”, “Энг яхши ёш спортчи”, “Энг яхши спорт мураббийси”, “Энг яхши ёш профилактика инспектори”, “Энг яхши ёш ижодкор”, “Энг яхши ёш маданият ходими”, “Энг намунали маҳалла сардори” йўналишлари бўйича ғолиб деб топилиб, уларга диплом, ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

**Феруз НОРМАМАТОВ,**
**Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи.**

# ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Янги йил арафасида туман Давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидан Тошкент томон йўналиш олган автомашиналар шаҳри азимга етиб борди. Албатта, қуруқ қўл билан эмас, туманимиз соҳибкорлари сафида туриб она замин саховати ила етиштирилган озиқ-овқат ва 500 килодан ортиқ гўшт маҳсулотларини бошқаларга улашишдек ниятимиз бор эди, бизнинг. Тошкент шаҳар марказида ташкил этилган “Бойсун ярмаркаси”дан байрам кунлари харидорлар аригани йўқ. Айниқса, гўшт маҳсулотларига бўлган талаб кучайди. Бундан биз ўрмончилар ҳам хурсандмиз.

**Шерзод ШЕРМАТОВ,**
**туман Давлат ўрмон хўжалиги бош ҳисобчиси.**

# ИС ГАЗИДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Қишлоқ жойлари, айрим қурилиши тугалланмаган иншоотларда ҳали-ҳамон кўмир ёқилғиси билан иситиладиган азалий печлардан фойдаланилмоқда. Уйларни, қурилишдаги ишчилар дам оладиган хоналарни илитиш яхши, аммо печларни ўрнатаётган пайтда дудбуронларини тозалаш, унинг рисоладагидек ишлашига эътибор берганмисиз? Кўмирнинг чала ёниши оқибатида албатта, хона бўйлаб ис газининг тарқалиш эҳтимоли бор. Бу эса инсон саломатлигига путур етказмасдан қолмайди.

Бундан ташқари, хонадонларингизда газ плиталаридан фойдаланиб бўлганингиздан кейин улар ўчирилганми, атрофда газ чиқмаяптими, бунга ҳам эътиборли бўлишингизга тўғри келади. Агарда хонага кирганингизда ис гази ҳидини сезсангиз гугурт чақманг, электр чироқларини ёқманг. Шундагина фалокатнинг олдини олган бўласиз.

**Д.АБДУРАҲИМОВ,**
**туман ФВБ профилактика назорати бўлинмаси катта инспектори.**

# PARTIYAMIZNING BESH YILLIK SHODIYONASI

O`z oldiga mamlakatimiz ekologik muhitini asrash, tabiat olamini saqlash va kelajak avlodlarga yetkazish, betakror va o`ziga xos tabiiy flora va faunamizni avaylashni maqsad qilgan O`zbekiston Ekologik partiyasi tashkil etilganiga roppa-rosa besh yil to`ldi. Kuni-kecha tumanimizda mazkur partiyaning besh yilligi sanasiga bag`ishlangan maxsus madaniy-ma`rifiy tadbir bo`lib o`tdi.

Bolalar musiqa va san'at maktabi foyesi hamda konsert zali sanaga oid ko`rgazmalar bilan jihozlandi. Bu yerda nafaqat tumandoshlarimiz, balki Surxon vohasining boshqa hududlaridan Ekologik partiyasi faollari ham yetib kelishgan. Ha, ular ham bugungi shodiyonamizga sherik.

Tantanalar boshlanishi avvalida maktabning yosh san'at g`unchalari chiqish qilib, yig`ilganlarga xush kayfiyat baxsh etdilar. Shundan so`ng O`zbekiston Ekologik partiyasi viloyat Kengashining raisi Ibrohim Yoqubov o`z tabrik-ma'ruzasida partiyaning tuzilishidan maqsad va bugungi kunda olib borilayotgan ishlari to`g`risida batafsil so`z yuritdi. Har bir tuman mas'ullari ham joylarda olib borilayotgan ishlar xususida fikr yuritib, keyingi vazifalarni tilga olib o`tdilar.

Shodiyonalar nihoyasida ona tabiat muhofazasi yo`lida faol ish olib borayotgan partiya a'zolari, targ`ibotchilar hamda tashviqotchilardan bir guruhi Ekologik partiyasi viloyat Kengashi tomonidan tashakkurnoma hamda esdalik sovg`alari bilan taqdirlandilar. Quvonchli tomoni, mukofotlanganlar orasida Boysun Davlat o`rmon xo`jaligi jamoasi hamda faol targ`ibotchilar ham bor.

**Umid BOYMATOV,**
**O`zbekiston Ekologik partiyasi Boysun tuman Kengashi raisi, tuman Kengashi deputati.**

# СОЛИ НАВ – ИҚБОЛИ НАВ

Инак, боз Соли нав фаро мерасад. Мардуми хушиқболу заҳматписанди Ҷумҳурии Ўзбекистон бо хушиву кайфиятҳои болида Соли навинро пешвоз мегиранд. Шукри Худованд, ки дар кишвари офтобрўяи мо сулҳу осоиштагӣ, дўстиву рафоқат пойдор буда, Ватанамон рўз аз рўз ободу зебо мегардад. Мардуми мо ба сарвари раҳбари оқилу доно, сиёсатмадори тавоно Шавкат Мирзиёев мунтазам баҳри дигаргуниҳои истиқболӣ камари ҳимат мебананд. Дар охири соли гузашта Президенти давлатамон ба воҳаи Сурхон ташриф оварда махсусан, ба ноҳияи мо — Бойсун дар он маскане, ки заводи газ истеҳсолкунӣ бунёд мегардад, бо коргарон муҳандисон вохўрда барои ҳарҷӣ зудтар ба истифода додани ин иншооти бузург дастурҳои муфиде дод. Ҷамоаи ин корхона ба роҳбари давлатамон ваъда доданд, ки ба қавли хеш устувор истода ин иншооти азимро пеш-аз мўҳлат истифода хоҳанд дод. Дар навбати дигар, роҳбари давлатамон барои ривоҷи сайёҳӣ, аз ҷумлаи ғорҳои “Бойбулоқ”, “Тешиктош”, “Мачай”, “Узундара” ва таъмири шифохонаи “Омонхона” маблағи зиёдеро ҷудо намуда, таъкид намуд ки, ин масканҳои муқаддасро барои тамошои сайёҳони дохилӣ ва хориҷӣ омода бояд сохт.

Роҳбари давлатамон ба ривоҷи ҷамоаҳои эҷодии ноҳиямон ба мисли “Бойсун”, “Шалола”, “Бойчечак” ва “Булбулигўё” ва иштирокашон дар ҷашнворахои байналхалқӣ маблағҳои кофӣ ҳадя намуд. Мо сокинони кишварамон ба ин зиндагии орому пурфайзу баракат шукрона мегўем. Моро зарур аст, ки ба қадри ин ҳама пирўзиҳо расида як ҷону яктан баҳри ободиҳо заҳмат кашем.

Бале, соли Навини соли 2024 бо қадамҳои муборак, бо олам-олам орзуҳои ширин дари остонаи моро мекўбад. Аз ин рў аз мо фидокориву, бунёдкорӣ ва хушиҳои рўзгорро интизор аст. Соли нави беғуборро ба ҳамаатон муборак гуфта, ба кулли сокинони ноҳиямон хушиҳои зиндагиро таманно дорем. Ид муборак, ҳамдиёрони азиз!

**Н.ПАРДАҚУЛОВА,**
**омўзгор мактаби 10.**

# ХАЗОНИ УМРИ ДУ НАВНИҲОЛ

НОВЕЛЛА

***Аз ин воқеа се сол гузашт, то ҳанўзам ёди диловези ин навниҳол бо ман аст. Борҳо азм кардам ки, ин дарду аламҳоро аз умқи дил берун кунам, вале ҳайҳот пеши он ноилоҷам. Хабар дарасид, ки набераамон бо модараш ба манзили мо меомада. Дар сар сайри боғ дошта, навниҳоли барояш шинонидаро диданӣ будааст. Бояд ўро ҳамроҳӣ мекардам.***

Набераам як бачаяки дўстрўяки зебову доночае буд, ки нисбати дигар ҳамсолонаш ба куллӣ фарқ мекард. Ҳангоми бозиҳо бо ҳамсинонаш чунон гапҳоеро ба забон меовард, ки кас онро шунида дар ҳайрат мемонд: чун мисли калонсолон муҳокима меронд. Дар манзили бобову момояш ягона набера ба ҳисоб мерафт ў. Ҳама ўро азиз медоштанд. Қабл аз ин ду бародараш — яке ду моҳа дигаре як солу семоҳа ин олами фониро падруд гуфтанд. Шояд аз ҳамин хотир бошад, ки ҳама хешону таборони ду ҷониб ўро дўст медоштанд. Ў кунун панҷро пур карда ба соли шашум қадам мениҳод. Симояш ситораи дурахшонро мемонд. Абрувони пайваста, лабони ба ханда моил, дили беғашу қомати мавзунаш басо дилкаш буд. Ҳар касе, ки бо ў рў ба рў ояд, ҳамин симои мафтункунандааш қалби ўро тасхир мекард. Мехост бо вай лаҳзае сўҳбат орояд, лоақл ному насабашро пурсад. Иттифоқо гоҳҳо сўҳбати онҳо ғайриихтиёр ба ҳам мепечид. Гоҳҳо мусоҳиб чунон шефтаи сухангўйии вай гашта, ба дил мехост ин дўстрўяк соатҳо бо ў сўҳбат орояд. Писарак модарашро, модараш писарашро хеле дўст медошт. Ў як лаҳза аз модараш ҷудоӣ надошт. Модараш ҳар сабоҳ гоҳ пиёдаву гоҳ савора ҷигарбандашро ба боғча мебурд. Чун вориди бинои боғча мешуд, ҳама мураббиён баробар ба по шуда ин дўстрўякро чун ҷигарбанди хеш ба баркашида, ба рухсораҳояш бўса мезаданд.

Ҳамин сон ин навниҳол ду сол боз ба ин боғча раву мекард.

Ду рўз қабл аз мавлудаш бо ҳамроҳии модараш ба боғча омад. Дар бар пироҳани ораста, болопўши шинам, дар пой мўзачаи напа нав хандакунон худро ба оғўши мураббияш партофт. Пас аз ҳолпурсию бўсобўсӣ навниҳоли хушсурат ба онҳо бо тантана нидо кард:

—Оё шумоён медонетон, ки баъди се рўз мавлуди ман аст. Ҳамаи шумоёнро ба хонаамон даъват мекунам. Модарам, бибию бобоям барраи фарбеҳеро кушта, дастурхон ораста, шумоёнро зиёфат мекунанд. Модарҷонам, барои ман чизҳое харид кард, ки ман он рўз ин либосҳоро мепўшаму шумоён онро бо ҳайрат тамошо карда ҳавас хоҳед кард.

—Раҳмат, бачаҷонам, агар шумо ин хушхабарро ба мо намегуфтед, шояд он аз хотирамон бардошта мешуд, — гўён мураббиёнаш дубор рўи писаракро бўса борон карданд. Ба ҳамин тартиб ин навниҳол аҳли мураббиёну дўстони хурдсоли хешро ба рўзи мавлудаш бо як ҷаҳон хурсандӣ ба манзилашон даъват намуд. Намедонам то ҳол ба худ суол медиҳам, ки чаро ман он рўз ба ин дўстрўи бе ҳамто ваъдахилофӣ кардам. Ҳар гоҳ ки онро ба ёд орам дилам дуд мекунад. Ба манзили мо омада маро дарёб накарда бо дили гирёну дили бирён бозпас ба хонаашон бармегардад.

Ҳамон шаб ба модари дўстрўяки зебо занг зада гуфтам, ки пас аз мавлудаш ўро ба сайри боғ хоҳам бурд. Навниҳоли зебо гуфт, ки шумо ваъдахилофӣ хоҳед кард. Ман дар ҷавоб бо қатъият гуфтам, дигар ин ҳол такрор нахоҳад шуд. Пас як рўзи ин гуфтугў хабари марги ў расид. Санг шудам, дар як они воҳид, об шудам. Кай ба ҳоли худ омадам, ёд надорам. Рўзҳои азо сипарӣ гашт, оҳу нолаҳои ҷонсўз хомўш шуд. Пас аз азо ҳар кас аз паси кору рўзгори худ шуданд. Соябони ҳусни зиндагӣ боз ҷилотару зебо рух медод. Бо дили ошуфтаву гирён ба манзили хеш раҳсипор гаштам. Дил ба кафи ғусса маҳбус буд он рўзҳо. Аз банди дарду балоҳо чӣ сон раҳо ёфтани худро намедонистам. Пой дар занҷири дардҳо печида. Бо тамоми зўру тавоноям пайваста ниёиш мекардам, дар ҳақӣ Худои азза ва ҷалла. Худро ба хоб омода мекардам. Вале хоб ба зиёрати чашми ман намеомад. Ин омодагиҳо чанд замон идома дошт, ёд надорам. Ногаҳон хоб ба дидагонам омадаву бехабар мондаам. Худро дар оғўши навниҳоли гулпўш дидам. Набераам навниҳоли гулрезро ба оғўш кашида ба ҷониби ман ово мекард:

—О, бобоҷон, бубинед, ки навниҳолӣ ман оғўштаи гулрез аст, имсол меваи зиёд хоҳад баст. Гулҳои бишкуфтаи навниҳол аз шамоли серуни дашт чун пағғаҳои айёми дай сапсапед ба тани ҷони ў мерехт. Сарў рўяш, пираҳанаш, сафсафед аҷаб мезебид. Аз ин инояти Худо хушҳол гашта рақс мекард. Онро аз дур тамошо карда ба дил меболидам. Ин дам чун қуи сафед симои гулпўши ў ногаҳон пеши дидагонам нопадид шуд. Осемасар аз хоб бархостам. Дар хона рўйи бистар дидам худро. Хоби дидаамро пеши назар овардам. Ҷўё гаштам тадбири онро. Вале ба банди сарпечидаи тафаккур дармондам. Саволҳои ҳеҷу ма пеҷ гирди сарам мепечид чун тортанакҳои тортанида. Азми рафтани боғ кардам. Айёми арўси сол ҳукм дошт. Бо таппу талошҳои зиндагӣ аз обу ғизои боғи навбунёд чанде бехабар будам. Набераам, ки ҳамсоли Бузургмеҳр буд, ў низ аз ақибам ҳамроҳ шуд. Ҳарчанд рад кардам, ў ба дунболам омад. Ба саргаҳи боғ расидем. Ниҳолҳоро ғарқи гул дарёфтам. Мо ҳарду ба назди ниҳоле, ки барои Бузругмеҳр шинонида будам, омадем. Ниҳол ғарқи гулу муғҷаҳои нав нумўъ карда рў ба пажмурдагӣ оварда. Ҳайратзада ин ҳолро дида ба чашмони хеш бовар намекардам. Навдаеро ба даст гирифтам. Воқеан навниҳол пас аз гулбандӣ рў ба хазон оварда буд. Вуҷудамро ларза фаро гирифт. Фиғон аз дил баровардам. Ашки, сўзон аз дидагонам мерехт. Набераамро дар рў ба рўям дида худро аз гирдоби алам раҳо кардам.

—Бобоҷон, гийра накунед “Ман ниҳоли худро ба Бузургмеҳр медиҳам”, — гуфани ў маро ба худ овард. Чун ба ҷониби ў рў овардам, ў низ мисли ман шашқатор ашк рехта, ҳамин гапро такрор ба такрор ба забон меовард. Навниҳоли пажмурдаро аз оғўши худ раҳо карда ба навниҳоли ў нигоҳ кардам. Гўё бо як авҷу барор нумўъ мекард он.

Аз ин воқеа чанд сол сипарӣ гашт. Ҳар гоҳ ин дарди ҷонсўз пеши назар ояд, аз худ суол медиҳам, ки наход умри ин ду навниҳол ба якборагӣ қатъ шуда бошад. Вафоти Бузургмеҳр ва хушкидани ин навниҳол ба ҳам чӣ иртиботе дошта бошад? Аз кушодани ин асрори азал то ба ҳанўз дармемонам. Шояд шумо дар кушодани ин бандҳо ба ман ёрӣ расонед.

**Нуралӣ РАҶАБ.**

# ЛАТИФАҲО

***Зани Афандӣ мурд. “Хафа нашавед”, — гуфтанд ҳамсоягон ва беваеро ба вай гирифта доданд. Баъди чанде хари Афандӣ мурд. Вале дилбардорӣ кардан ва хари дигаре гирифта додан ба гўшаи хаёли касе намеомад. “Зан мурад, як зани дигар будааст, лекин агар хар мурад... Эҳ, хар намурда зан мемурд, намешуд?” — мегуфт Афандӣ бо афсўс.***

—Машуқаҷон, чӣ тўфа орам ба рўзи таваллудат?
—Як фикр кунам, баъд мегўям, хуб.
—Саросема нашуда, бафурҷа фикр кун, ҷони ширин. Ба ту як сол мўҳлат.

Духтаре таассуфомез ба ҳамкасбаш мегуфт:
—Ман “муаллим” гўяд, ба ин гап бовар карда, зуд ҷавоби рад додаам. Пасон огоҳ шудам, ки ў дар шаҳар чандин дўкони тиҷоратӣ доштааст, номард. Афсўс ки, муфт аз даст рафт.

Ба хўҷаини корхона “дигар наменўшам” гуфта ваъда додӣ, боз нўшидӣ?
—Баъди кор нўшидам-ку, ошно. Нанўшам, бо “хўҷаини хона” чӣ тавр саволу ҷавоб мекунам?

# ҶАЪФАР МУҲАММАДИ ТИРМИЗӢ

## ЧӢ МЕДОНАМ

*Дар соҳили дарёяму дарё чӣ медонам, кӣ чист?*
*Аз “Ло-ило” дам мезанам, илло, чӣ медонам, кӣ чист?*
*Фаррухпайи болонишин, аз ман чӣ пурсӣ ону ин?*
*Пойин чӣ медонам, ки чӣ, боло чӣ медонам, кӣ чист?*
*Аз ман гурезон мешавӣ, пайдову пинҳон мешавӣ,*
*Донӣ, чӣ медонам ниҳон, пайдо чӣ медонам, кӣ чист?*
*Фурсат бидон Наврўзро, устоди ишқомўзро,*
*Шодоб кун имрўзро, фардо чӣ медонам, кӣ чист?*
*Бо нози най ноӣ шудам, шайдои Лайлое шудам,*
*Ҳарчанд саҳроӣ шудам, саҳро чӣ медонам, кӣ чист?*
*Ҳарчанд дидам борҳо Юсуфсифат озорҳо,*
*Дар растаи бозорҳо савдо чӣ медонам, кӣ чист?*
*Ин чархи гарданда зи бун аҳволи мо карда забун,*
*Аҳволи ин гардуни дун бо мо чӣ медонам, кӣ чист?*

# СОЛИ НАВАТОН МУБОРАК БОД, ҲАМДИЁРОНИ АЗИЗ !

## ФАХРИ МО

**Рўзи 25-уми сентябри соли равон сафири Фавқулодда ва Мухтори Ҷумҳурии Тоҷикистон дар Ҷумҳурии Ўзбекистон Абдуҷаббор Раҳмонзода тавассути телефон гуфт, ки ҷаноби олӣ, пешвои миллат, Президенти Тоҷикистон Эмомалӣ Раҳмон ҳамдиёри шумо Хайрулло Насриддиновро бо унвони “Ҳофизи халқии Тоҷикистон” сарафроз гардониданд.**

Ба ростӣ, ин хушхабарро шунида чун дўсту бародар ва мухлиси эшон, дар куртаам нағунҷидам, сарам то ба сураё рафта расид. Хушбахтона, ҷидду ҷаҳд, кўшишу ғайрат ва саъю ҳаракат ва орзу ниятҳои Хайрулло Насриддинов ҷомаи амал пўшид.

Дар ҳақиқат, дар соли гиромидоштани инсон дар Ҷумҳурии Ўзбекистон тақдимномаи муносиб аз Ҷумҳурии Тоҷикистон тўҳфаи фараҳангез буд.

Ин хабари хушро ман бо тавассути телефон аввал ба Хайрулло Насриддинов, пасон ба шахсоне, ки ўро мешиносанду медонанд, расондам.

Ҷавоби ҳамагон яксон буд: “Муборак шавад”, ин унвон ба ҳофизи хушсадо Хайрулло Насриддин, меарзад мегуфтанд мухлисон.



## ДАР ҲУЗУРИ ҲОКИМ

Мо се нафар — Х.Насриддинов, Ф.Ҳамдамов ва ман дар қабули ҳокими Бойсун — Боҳадир Шукуров омадем. Ҳоким моро хело хуш пазируфт ва Хайрулло Насриддиновро бо унвони “Ҳофизи халқии Тоҷикистон” муборакбод кард. Пас бо телефон бо Вазири маданияти Ўзбекистон Озодбек Назарбеков гуфтугў карда, ба Хайрулло рў оварда гуфт:

—Шумо, бародар, дар ҳақиқат одами хушбахт будаед, ки дар як вақт, алалхусус дар арафаи Рўзи муаллимону мураббиёни Ўзбекистон якбора ба ду унвони баланд сазовор шудаед? Муборак шавад. Вазири маданияти Ўзбекистон О.Назарбеков низ шуморо мунтазир мешавад. Ҳатман ба пойтахт — Тошканд сафар кунед.

Албатта, тақдимоти унвонҳои шуморо дар сари “Як пиёла чой” дар ягон тарабхонаи Бойсун бо иштироки мухлисони шумо бо тантана таҷлил хоҳем кард.

## ИСТИҚБОЛ ДАР САФОРАТХОНАИ ТОҶИКИСТОН



Моро ҷаноби сафир Абдуҷаббор Раҳмонзода барои тақдимот ба сафоратхона лутфан даъват карданд. Мо рахти сафар баста, ба Тошкент роҳ пеш гирифтем. Роҳ ҳарчанд дур буд, лек мо азоби роҳро мутлақо ҳис намекардем. Ронанда ҳам, ки ҷавони вазнину таҷрибанок буд, ба мақоли “Оҳиста рав, пайваста рав” қатъӣ амал мекард. Хуллас, масофаи 730 километрро дар муддати 16 соат, тай намуда, вақти субҳи содиқ дар назди сафоратхонаи Тоҷикистон ҳозир шудем. Аз масҷид овози азонро шунида, намози бомдодро дар он ҷо адо кардем.

Ҷаноби сафир Абдуҷаббор Раҳмонзода ба пешвози мо баромаданд ва гарму ҷўшон бо мо вохўрӣ карда, моро ба дохили сафоратхона даъват карданд ва ба Хайрулло рў оварда гуфтанд:

—Тор канӣ, чӣ бе тор омадед магар? Сурудҳои шуморо шунида хурсанд бояд шавем.

—Овардам, ҷаноб, дар боғоҷи мошин аст, — ҷавоб дод ҳофиз.

Дар сафоратхона садои савту суруд ва овози ширадори Хайрулло танинандоз гардид. Ҳозирин бо моту маҳбут гўш мекарданд. Алалхусус, суруди “Тоҷикам”-ро Хайрулло бо дархости сафир ду маротиба такрор хонд.

Пас маросими тақдимоти унвон оғоз ёфт. Сафир А.Раҳмонзода ба сухан баромада, аз барқарор гардидани дўстии азалии ду халқи бародар ва аз нав баста шудани риштаҳои дўстии ўзбеку тоҷик бо мароқ ҳарф зада, гувоҳномаи “Ҳофизи халқии Тоҷикистон”-ро ба Хайрулло Насриддинов бо тантана супорид ва ўро бо ин унвони олӣ самимона муборакбод кард.

Нависандаи Халқии Ўзбекистон Усмон Азим, олими шинохтаи Ҷумҳурӣ Ўзбекистон Олим Давлатов, профессори Университети Шарқшуносии Ўзбекистон шоир Ҷаъфар Муҳаммад Тирмизӣ, мухбири ҳафтаномаи “Даракчи” Ш.Салимов, хабарнигори “Овози тоҷик” Мирасрор Аҳроров ва дигарон ба сухан баромада, Х.Насриддиновро самимона муборакбод гуфта, ба ў умри дароз, тани сиҳат, хотири ҷамъ ва бурдбориҳои зиндагӣ таманно доштанд.

Маросими тақдимот дар атрофи дастурхони пур аз нозу неъмат, ки аз ҷониби ходимони сафоратхона тайёр карда шуда буд, дер давом кард.

Мо ба ҷаноби сафир ва ба ходимони сафоратхона барои иззату икром ва меҳмоннавозиҳои самимиашон миннатдорӣ изҳор намудем.

## ДАР ВАЗОРАТИ МАДАНИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН

Рўзи дигар моро ба Вазорати маданияти Ўзбекистон даъват карданд. Дар вазорат аз тамоми гўшаву канорҳои кишварамон намояндагони маориф ва маданият ба муносибати “Рўзи Устозон ва мураббиён” ҷамъ омада буданд. Дар толори вазорат маросими тақдимоти устодон, мураббиён ва ходимони маданият ва санъати Ўзбекистон баргузор гардид.

Вазири маданияти Ўзбекистон Озодбек Назарбеков ба сухан баромада, ҳозиринро бо шарафи Рўзи устодону мураббиён аз сидқи дил табрику таҳният гуфт ва ба ҳама тансиҳатию хонаободӣ, тинҷию хотирҷамъӣ орзу кард.

Сипас, вазир аз аввалинҳо шуда ҳофизи хушнаво Хайрулло Насриддиновро ба минбар даъват кард ва ба ў унвони баландтарини вазорати маданияти Ўзбекистон “Фидокори маданият ва санъати Ўзбекистон”-ро тантанавор тақдим намуд ва сипас ўро ба муносибати тақдир ёфтани “Ҳофизи халқии Тоҷикистон“ табрик намуд.

## ДАР САРИ ЯК ПИЁЛА ЧОЙ

***Тибқи ваъда ҳокими ноҳия Б.Шукуров дар тарабхонаи “Нарзи Қушбеги” ба 150 нафар зиёфат ороста буд. Қаблан ҳокими ноҳия Б.Шукуров ба сухан баромада, санъаткори шинохта, ҳофизи номдор Хайрулло Насриддиновро бо унвони “Ҳофизи халқии Тоҷикистон” ва фахриномаи “Фидокори маданият ва санъати Ўзбекистон” мушарраф гаштанаш аз номи ҳокимият табрик ва муборакбод намуд.***

Собиқадорони меҳнат Ф.Ҳамдамов, А.Норқулов, Х.Чоршанбиев, Х.Қўзиев ва дигарон ба сухан баромада, ҳофиз Х.Насриддиновро бо чунин унвонҳои баланди ду Ҷумҳурӣ — Ўзбекистону Тоҷикистон табрик карданд ва дар кору фаъолияташ муваффақиятҳои беназир орзу намуданд.

Дар охир, Х.Насриддинов ба ҳозирин миннатдорӣ изҳор намуда, бо савту сурудҳояш табъи ҳамагонро хушнуд кард.

**Ғаффор НОРБОЕВ, раиси маркази ММС тоҷикони ноҳия.**

## ҚИШ ИЛҲОМЛАРИ

### Шодмонқул САЛОМ.



*Декабрнинг тугаши қизиқ,*
*Декабрнинг тугаши қийин.*
*Кўкрагимда уйғонган оғриқ,*
*Ҳаётимни қилмоқда ўйин.*

*Тун умримдан узунга ўхшар,*
*Фалак амри кўп ишга қодир.*
*Изтиробу қувонч аралаш,*
*Ёмғир ва қор берди декабрь.*

*Йил — деҳқондир, ҳосил кўтарган,*
*Кутганидек бўлдимикан чош.*
*Юрагимга туйғу жамғарган,*
*Сал нарида турибди қирқ ёш.*

*Айиқ, бўри, қуён ва буғу —*
*Ниқобларни ташиб келаман.*
*Ўғлим, қизим кетар севиниб,*
*Қорбобога ўхшаб қоламан.*

*Уйдан ишга, ишдан сўнг уйга,*
*Борлиғимни ташлаб кетаман.*
*Севги кесиб ўтар йўлимни,*
*Худойим, нетаман, нетаман?*

*Бойсундаги азиз даштларда,*
*Бир заҳматкаш сафарларим бор.*
*Қумқўрғонда отамга ўхшаб,*
*Кутаётган сабрлар бисёр.*

*Декабрдан умидим кўпдир,*
*Кечаларни юриб ўтаман.*
*Юрагим чўғ, вужудим чўпдир,*
*Мен фақат яхшилик кутаман,*
*Мен фақат яхшилик кутаман.*

### Жўрабек РАМАЗОН

**Оппоқ орзуларни олқишлайди қиш,**
**Асли бу фаслнинг ўзи аломат.**
**Қорли сочларингга бармоқ теккизиш,**
**Искандарга насиб этмаган омад.**

**Борлиқ беҳиштларга ўргатар ҳусн,**
**Сени чақирмоққа сиғарми ҳаддим.**
**Қорли изларингни кўрмоқлик учун,**
**Кўчангда қиш билан бир тун тунадим.**

**Саҳардан илгари бошланди туман,**
**Туман табиатнинг яна бир қаҳри.**
**Мен девона орзу қилиб юрибман,**
**Искандарга насиб этмаган бахтни.**

### Шуҳрат ОРИФ



**Анор донасидек сочилди бир йил —**
**Лаҳзалар оқдилар мужда ахтариб.**
**Бугун Янги йилнинг остонасида**
**Тишланган олмадек турибман ғариб.**

**Қадаҳ сўзи айтар жилвагар ҳаёт,**
**Бир четда мунғайиб турар орзулар.**
**Уларнинг исмини унутаёздим,**
**Менга ишонади боладек улар...**

**Чақилган ёнғоқдек омонат тақдир —**
**Йилларим — аразда қолган изларим.**
**Товонда дунёни тушунаяпман,**
**Фақат товонимда қолди ҳисларим.**

**Бувимнинг қумғони каби эскирдим,**
**Янги йил янгироқ ғам борми бошга?**
**Тишланган олмадек турибман ғариб,**
**Нима ҳам қилардим байрамдан бошқа?!**

**Анор донасидек сочилди бир йил...**
**Истеҳзо аралаш жилмаяр тақвим.**
**Умр бу — орзулар ёққан оловда,**
**Чирсиллаб ёнмоқлик ва турмоқлик жим.**

### ҚИШ

*Оппоқ дуррасини бошига ўраб,*
*Ёнимда жилмайиб, кулиб турар қиш.*
*Марғилонлик келин Кумушга ўхшаб,*
*Юзимга бир майин уриб қўяр қиш.*

*Мен унинг шу майин қўлчасин тутиб,*
*Гўзал гул фаслига етиб бораман.*
*Энг гўзал гуллардан гулдаста ясаб,*
*Гулдай гўзал қизга ҳадя этаман.*

***Ёқуб ҚАНОАТ.***

### Наргиза АСАДОВА

**Боғлар аро кезасан бунча,**
**Кипригингда қотаяпти сир.**
**Оқлик ичра, бегардлик ичра,**
**Сен кимнидир кутдинг, декабрь.**

**Сочларингни суяди қиров,**
**Йиллар ўтса ким-кимга муштоқ.**
**Бахт рангми, армон рангми, айт,**
**Тушларимга кирасан оппоқ.**

**Лайлак қорлар йўқлаган тонгда,**
**О, кетишинг шунча тайинми?**
**Қишнинг боши йилнинг сўнггиси,**
**Аросатда яшаш қийинми?**

**Атроф жимжит, боғ йўли сокин,**
**Жунжикади уфқдаги саҳар.**
**Елкасига шарф ташлаб секин,**
**Остонадан ҳатласа январь.**

**Қўли бормай биропта ишга,**
**Хўрсинади музлатиб дилни.**
**Янги ҳаёт бағишлаб қишга,**
**Ўйлайди у жим эски йилни.**

**Гап талашиб кеча қиш билан,**
**Ҳовуридан тушолмас мўри.**
**Зериктириб ҳовлида бунда,**
**Тарашадек қотади сувлар.**

**Шеърлар ёзар, қилар хиргойи,**
**Хаёл сурса беришмас халал.**
**Ким учундир ҳалитдан қаранг,**
**Бойчечаклар теряпти февраль.**

## БИЛАСИЗМИ?

## БАЛИҚ БУРЖИ НИМАЛАРНИ СЎЗЛАЙДИ?

***Балиқларни ким яхши кўрмайди дейсиз? Ҳалоллик рамзи бўлган бу жониворлар сув ости хазинасининг бетакрор аъзоларидир. Кириб келаётган 2024 йил айнан балиқ мучалига тўғри келади. Қуйида бу бурж вакилларига хос хусусиятлар ҳақида фикр билдирамиз.***



Бу инсонларни катта ишларда деярли учратиш мушкул. Бироқ балиқ буржи орасидан ижодкорлар кўплаб етишиб чиқади. Уларнинг яна бир хусусиятларидан бири, раҳбарликка эга чиқишни хоҳламайдилар. Мол дунё улар учун унчалик қизиқ эмас. Бироқ улар пул топиш борасида жуда уста, баъзи балиқ буржи вакиллари бойлигини мерос тариқасида қўлга киритишган. Шуни айтиш мумкинки, бошқалардан фарқли ўлароқ, улар ҳам пулга унчалик қарши эмас, таклиф бўлса бас, рад этмасдан қабул қилишади. Лекин “балиқ”лар пул вақтинча керак бўладиган нарса эканини бошқа инсонларга қараганда яхши билишади.

Балиқ буржидаги инсонлар миллионер бўлишга унчалик ҳам қизиқмайди, фақат миллионерлардек яшасалар бас. Бу уларнинг фалсафий шиори десак ҳам янгилишмаган бўламиз. Балиқ буржи оламни борича кўришга интилади. Улар инсон зотида ёқимсиз одатлар кўплигини яхши билишади, шунга қарамасдан улар ўзлари ёқтиргандек яшашни маъқул кўрадилар.

Лекин шуниси маълумки, “балиқ”ларнинг ҳаётида ҳам тақдир зарбалари мавжуд ва улар ҳам бу тўсқинликка бошқалар каби учраб турадилар. Бу пайтда улар хавфдан халос бўлиш ўрнига, ўзларининг баҳоналари ортига яшириниб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Бироқ шуниси аниқки, ўзлари хоҳлашса бу муаммони ечиш учун уларнинг талантлари етарли.

Бу буржга мансуб эркаклар ўзларининг олдиларига қўйган аниқ бир мақсади бўлса, уларни бойлик ва обрў-эътибор кутади. Бу буржлаги эркакларнинг қатъиятсизлари билан эса бироз қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Балиқ буржидаги барча эркаклар ҳам хаёлпараст саналмайди. Уларнинг аксарияти орзуга берилишни яхши кўради. Лекин бу ҳам яхши одатлардан бири ҳисобланади, чунки тирик жон борки умид билан яшайди. Гарчи дунёда орзуларсиз яшаб бўлмаса-да, бу ишларни бир четга қўйиб, ҳаёт турмуш тарзи учун даромад топиш зарур. Балиқ буржидаги истеъдодли рассом ва ёзувчилар етишиб чиқади.

Бу буржлаги аёллар гўзаллик бобида тенги йўқдир. Шунга қарамасдан бу буржлар орасида ҳам салбий характерга эга инсонлар йўқ эмас. Бироқ эркакларни балиқ буржидаги аёллар латофати ўзига ром айлаши турган гап. Улар эркак киши устидан ҳукм ўтказишга ҳаракат қилишмайди, аксинча, босиқлик билан ўз жуфтларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади. Улар орасидан ажойиб умр йўлдош топиш мумкин.

***Интернет материаллари асосида тайёрланди.***

## ЭЪЛОНЛАР

Термиз ЙҲХБ РИБ (ТРИБ) томонидан 2021 йил 25 февралда Нормаматов Абдиҳамид Тошпўлат ўғли номига берилган 3024582 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бойсун туман Мудофаа ишлари бўлими томонидан Нормаматов Абдиҳамид Тошпўлат ўғли номига берилган QK-4132732 рақамли ҳарбий гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бойсун туман ички ишлар бўлими томонидан Нормаматов Абдиҳамид Тошпўлат ўғли номига берилган AB-9535719 рақамли фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


BOYSUN

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVBATCHI:
Parda NAZAROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.
ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
Adadi : 2000
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

Ⓣ - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi”va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.